БУГУН—СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҲОСИЛ ТЎЙИ БОШЛАНДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 5 декабрь 1973 йил, чоршанба ✦ № 286 (15.760). ✦ Баҳоси 2 тийин.



КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советида

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ҲИНДИСТОНГА ҚИЛГАН ВИЗИТИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳиндистон Республикасига қилган расмий дўстлик визити якунларини кўриб чиқиб, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг дўстона Совет — Ҳиндистон муносабатларини ривожлантириш соҳасидаги, КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини тўла тўкис маъқуллладилар. Ҳинд халқининг Совет Иттифоқига дўстлиги оммавий равишда намойиш этилган шароитда ўтган визит СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг мустаҳкам пойдеворига асосланган Совет — Ҳиндистон муносабатларини янада юксак погонага кўтарди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити вақтида имзоланган ҳужжатларнинг муҳим аҳамиятини зўр мамнуният билан таъкидлайдилар, бу ҳужжатлар иккала мамлакат ўртасидаги мустаҳкам дўстлик муносабатларини ўз халқларининг бахт саодати йўлида ривожлантиришнинг янги омили бўлади, деб ҳисоблайдилар. Бу ҳужжатлар орасида Совет — Ҳиндистон қўшма декларацияси алоҳида ўрин олади. Бу ҳужжатнинг аҳамияти шундан иборатки, у СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг асосий принципларини ривожлантиради ва иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишини белгилаб беради. Декларация Совет Иттифоқида ҳам, Ҳиндистонда ҳам гоят маъқулланиб кутиб олинди, чунки у иккала мамлакат халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб қолади.

СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий ва савдо ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисида визит вақтида имзоланган ва узоқ даврга ўзаро самарали иқтисодий ҳамкорлик йўналишини белгилаб берадиган битим катта аҳамиятга эга. Тенглик ва ўзаро манфаат принципига асосланган самарали савдо-иқтисодий ҳамкорлик Совет Иттифоқининг экономикаси учун ҳам, шунингдек, миллий тикланиш ва социал ўзгаришларни кенгайтириш йўлидан бораётган Ҳиндистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ҳам муҳим омил бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Ўртоқ Л. И. Брежневнинг халқаро масалалар юзасидан И. Ганди билан ўтказган музокаралари натижаларини юксак баҳолайдилар. Шу музокаралар давомида ҳозирги замоннинг жуда кўп актуал халқаро проблемалари юзасидан фикрларининг бир-бирига мос эканлиги тасдиқланди. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон халқаро иқлимни соғломлаштириш дунёдаги катта-кичик, ривожланган ва ривожланаётган барча мамлакатларга реал амалий самаралар бериши мумкин ва лозим, деб ҳисоблаб, кескинликни юмшатиш соҳасида бундан буён ҳам куч-ғайрат сарфлайверишга аҳд қилганликларини таъкидладилар. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ялпи ва тўла қуролсизланишга эришиш, қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференциясига тайёргарлик кўриш зарурлигини, шунингдек, мустамлакачилик ва ирқчилик қолдиқларини тезроқ ва батамом тугатиш лозимлигини айтдилар.

Музокаралар давомида томонлар Жанубий Осиёда мавжуд бўлган низоли проблемалар ташқаридан ҳеч кимни аралаштирмай манфаатдор мамлакатлар ўртасидаги музокаралар воситаси билан ҳал этилиши мумкин ва лозим, деган эътиқодларини янги куч билан таъкидлаб ўтдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Дехлидаги музокаралар вақтида Осиё проблемалари юзасидан бўлиб ўтган батафсил фикрлашувларининг ижобий натижаларини мамнуният билан қайд қиладилар. Ўз территориясининг учдан икки қисми Осиёда жойлашган Совет Иттифоқи билан Осиёдаги катта давлат бўлган Ҳиндистон бу районда Осиё давлатларининг бахамжиҳат куч-ғайратларига асосланган тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишдан гоят манфаатдордирлар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ҳиндистонга қилган визитининг якунлари халқаро вазиятда эришилган қулай ўзгартишлар муқаррар тус олишига эришилсин, деб КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида ўртага қўйилган вазифага тўла-тўкис ва батамом мос бўлади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг визити шу визитнинг натижаларини Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари яқдиллик билан маъқуллаб, уни бузилмас Совет — Ҳиндистон дўстлигининг ёрқин намойиши деб билмоқдалар. Бу визит халқаро жамоатчиликнинг, кўпгина мамлакатлар сиёсий ва давлат доираларининг диққат-марказида турибди, у кенг миқёсда ижобий баҳоланди, маъқулланди ва қўллаб-қувватланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити якунларини юксак баҳолаб, Совет Иттифоқи КПСС XXIV съездида қабул қилинган Тинчлик программасида белгиланган йўлдан бораверишини яна бир карра таъкидлайдилар. Совет Иттифоқи социалистик мамлакатлар билан қардошларча дўстлик ва ҳамкорликка буидан буён ҳам таянаверади, барча тинчликсевар давлатлар билан муносабатларини ривожлантираверади.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ОРСК—ХАЛИЛОВ МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ 4-ДОМНА ПЕЧИ ҚУРУВЧИЛАРИГА, МОНТАЖЧИЛАРИГА, МЕТАЛЛУРГЛАРИГА, ПАРТИЯ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИГА, ҚУРИЛИШНИНГ БАРЧА ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши билан, Орск—Халилов металлургия комбинатида тўққизинчи беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили энг муҳим объектларидан бири бўлган домна печининг муддатидан олдин ишга туширилиши билан сизларни қизғин табриклайдилар.

Қурилишда қисқа муддат ичида комбинатдаги ишлаб турган ишлаб чиқаришларнинг мураккаб шароитида қурилиш ва монтаж ишларининг катта ҳажми бажарилди ва дастлабки чўян белгиланган муддатидан қарийб бир ярим ой олдин эритилди.

Ана шу замонавий серунум агрегатнинг ишга туширилиши комбинатда чўян эритишни анча кўпайтириш ва шу йилнинг ўзидаёқ халқ хўжалигига қўшимча суратда камида 100 минг тонна юқори сифатли чўян бериш имконини туғдиради.

Эришилган меҳнат ғалабаси — ишчилар, инженерлар ва техниклар, қурилиш барча қатнашчиларининг фидокорона ва ижодий меҳнати, кенг авж олдирилган социалистик мусобақа, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлари, КПСС Марказий Комитети 1972 йил декабрь Пленуми қарорларини амалда рўёбга чиқариш борасида коллективларнинг юксак масъулияти натижасидир.

Қурилишни зарур техникавий ҳужжатлар ва ускуналар билан таъминлаган қўпгина лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотларининг, машинасозлик корхоналарининг коллективлари қурилишни тезлаштиришга кўп меҳнат ва куч-ғайрат сарфладилар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қурувчилар ва металлурглар 1973 йилда эришилган муваффақиятларни кўпайтирадилар, 1974 йил топшириқлари ва умуман беш йиллик топшириқларининг сўзсиз бажарилиши учун имконн бўлган барча ишларни қиладилар, деб ишонч билдирадилар.

Азиз ўртоқлар, сизларга меҳнатда янги муваффақиятлар тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Расмий хабарлар

Н. В. ПОДГОРНИЙ А. ДУГЛАС-ХЬЮМНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Буюк Британия ташқи ишлар ва миллатлар ҳамдўстлик ишлари министри сэр Алек Дуглас-Хьюмни 4 декабрда Кремлда қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида Совет—Англия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари ва халқаро аҳволнинг актуал проблемалари кўриб чиқилди.

Суҳбатда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, Совет Иттифоқининг Буюк Британиядаги элчиси Н. М. Лунъков, шунингдек Буюк Британия ташқи ишлар ва миллатлар ҳамдўстлиги ишлари министрининг доимий ўринбосари сэр Томас Бримелоу, Буюк Британиянинг Совет Иттифоқидаги элчиси сэр Теренс Гарви иштирок этдилар. (ТАСС).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

Илгари хабар қилинганидек А. А. Громико 3 декабрда А. Дуглас-Хьюм шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда А. А. Громико ва А. Дуглас-Хьюм нутқ сўзладилар.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

МУЗОКАРАЛАР ТУГАДИ

4 декабрь куни СССР Ташқи ишлар министрлигида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Буюк Британия ташқи ишлар ва миллатлар ҳамдўстлиги ишлари министри сэр Алек Дуглас-Хьюм ўртасида олиб борилган музокаралар ниҳоясига етказилди.

Музокаралар чоғида актуал халқаро проблемалар, шунингдек Совет—Англия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари ҳар томонлама муҳокама қилинди. Ҳар икки томон бўлиб ўтган фикрлашувлар турли соҳаларда иккала мамлакат ҳамкорлигини кенгайтиришга кўмаклашади, деб ишонч билдирдилар.

СССР билан Буюк Британия вакиллари ўртасидаги музокаралар ва суҳбатларнинг натижалари қўшма ахборотда акс эттирилди. Қўшма ахборот тексти эълон қилинади. (ТАСС).

БУГУН—СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИ БАЙРОҒИ ОСТИДА

ЕР ВА РИЗҚ

Эр йигит ер очади, дейди халқимиз. Ризқ-рўзимиз манбаи — ернинг қадрини билган халқнинг мақоли бу. Ер асосий бойлигимиз. Шунинг учун ҳам ер-сув бизнинг мамлакатимизда умумхалқ мулкига айлантирилган. Бу эса конституциямизда қайд этиб қўйилган.

Бугун шонли байрам куни қўриқ очиб, ерга-ер, халқ бойлигига-бойлик қўшаётганлар тўғрисида гапирмоқчиман. Мирзачўл даштларининг, Шеробод чўлларининг гулгун экинзорга айланаётганлиги, ҳатто ўт-ўлан унмайдиган жойларда бугун зироат етиштирилаётганлиги халқимиз жасоратининг, техникамиз қудратининг намойишидир. Лекин бухороликлар ҳам бундай улуғвор ишдан четда турганлари йўқ. Қадимий Бухоро шаҳридан чиққан йўл Амударёга қадар чўзилиб ётган қум барханларини орқали ўтади. Янги қурилаётган уй-жойлар, бепоён пахтазорлар, боғ-роғлар, бедапоялар ана шу йўл бўйлаб сафро ичкарисига кириб бормоқда. Одамлар чўл сийнасини қадамба-қадам ям-яшил экинзорларга айлантирмоқдалар.

Ҳазорбоғ массиви бухороликлар учун мардлар майдони бўлиб қолди. Мард-мард деган йигитлар шу чўлда ер очяпти, деҳқончилик қиляпти. Бобохон Холовнинг шу массивда иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. У бундан уч йил муқаддам Ромитан қишлоғидан чўлга отланди. Ромитаннинг шилдираб оқиб турган оромбахш суви, унинг дилкаш одамлари ортда қолди. Бобохон совуқ, важоҳати ҳунук чўлнинг ҳуснини очишга отланди. Дастлабки йили 80 гектар ер очилиб, ярмига чигит экилди. Қолган қисмига ниҳол ўтқазилди. Мана энди беш йилликнинг учинчи йилида 300 гектардан ортиқ майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Олмазор, беҳизор, олчазор, токзорлар 800 гектардан ошиб кетди.

Розиқ Мажидов, Аҳат Ҳасанов, Очил Фармонов каби сергайрат кишиларни совхозимиз меҳнаткашлари ғоят ҳурмат қиладилар. Нега десангиз, улар Бобохон Холов билан бирга Ҳазорбоғ чўлида биринчи бўлиб кўчат ўтқазган, ерга чигит қадаганлардан.

Бизнинг «Октябрь 50 йиллиги» совхозимиз ҳозир 3 минг гектардан ортиқроқ ерда пахта етиштиряпти. План бажарилмаган йил йўқ. Бу йил янги ўзлаштирилган майдонларнинг ҳар гектаридан 30 центнерга етказиб «оқ олтин» териб олинди. Бироқ, чўлга ҳужум тўхтаган эмас. Ҳазорбоғ массивидан тағин 200 гектар янги ер ўзлаштириб қўйилди. Бу ҳужумни янада кенгайтириш ниятидамиз. Ҳозир совхозимизда янги ерларни ўзлаштириш ва текислаш билан шуғулланувчи махсус отряд тузилди.

Совхозимиз деҳқонлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги нишонланадиган 1974 йилда ерга ер қўшиб, 3400 гектар майдонга чигит экиш учун тараддуд кўрмоқдалар. Ҳазорбоғ массивидан ўзлаштирилаётган ерлар ҳисобига мевазор боғлар 1000 гектарга етказилади. Бедапоялар, полиз ва сабзавот майдонлари янада кенгаяди.

М. ФУЗАЙЛОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Бухоро областидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг бўлим бошқарувчиси.



БАХТ ОЛАМИ

Хаёлим олди-кетди далалар замзамаси,
Узумзордан мен бурдим пахтазорларга йўлни.
Юртимда тўю албр, ғалаба тантанаси,
Шеър измида тугён-у завққа лаболаб кўнгил.
Қизлар алвон илишар далалар шийпонига,
Усмалар ҳам бир нави шитоб суртилар қошга.
Бувилар нон тўғрашар субҳи чоғ ширчойнга,
Боболар пешвоз чиқар кумуш соқол қуёшга.
Дутор чертилар бу тонг ғалабага бўлиб зеб,
Байъларга дафтардир далаларим сийнаси.
Тўқсон ёшли бувилар ясанмоқни кўриб эп,
Не тонг, сандиқ титсалар ялашиб хон атласин.
Сўнгги чаноқ лабида табассумдай ярашиб,
Мақтал турган пахта ҳам қўшилди чўнг хирмонга.
Ҳамолайдай хирмонлар ўзаро кўрк талашур,
Хирмон эмас у иқбол, ўхшар қалбга дармонга.
«Олтин пирамидалар»... тутганча қил қаламни
Рассом хаёл суради топаолмай нур зарҳал.
Лол қоладир кўриб ул меҳнатнинг бу оламни,
Тогдай меҳнат керакдир бермоқчун унга сайқал.

Бу гўзаллик тушмаган ёмғир каби осмондан,
У манглайлар теридан, бунёд қадоқ қўллардан.
У реза тер, мужгонлар битган ўтли достондан,
У мисли тош устида ундирилган гуллардан.
Бахт оламин кезганлар, меҳнатжонни унутманг,
Қадоқ қўллар шаънига бир жуфт ғазал битмоқ фарз.
Йўқса, шоирман деманг, субҳидам қалам тутманг,
Улуғ халқнинг куйламоқ бизга бўлсин битмас қарз.
Меҳнат хори янгради... нақорати карвонлар,
Карвонларни, кўринмас ниҳояси, худуди.
Зафар хори янгради... авжи унинг хирмонлар,
Хирмонларни, улуғвор танти деҳқондай худди.
Хаёлим олди—кетди далалар замзамаси
Узумзордан мен бурдим пахтазорга йўлимни.
Наздимда кенг тўйхона далаларнинг сийнаси,
Сўнгги чаноқ тўй боши... банд айлади кўнглимни.
Сўнгги чаноқ тўй боши-қўлга олинг дуторни
Ахир куйламоқ чоғи бу дам юракда борнн.

Эътибор ОХУНОВА

МАМЛАКАТИМИЗДА ҳар бир гражданинг билим олиши, меҳнат қилиши ва маданий ҳордиқ чиқариши учун барча имкониятлар муҳайё этилган. Суратларда: (юқоридан пастга) Тошкент педиатрия институтининг 6-курс студентларидан (чапдан) Н. Аъламова, С. Орифжонова ва А. Сатторовалар ўқишда намуна бўлмоқдалар. Қашқадарё область Қамаши районидаги «Фарғона» совхозининг 5-бўлим ишчилари СССР Конституцияси кунини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олдилар. Совхоз ишчиларидан М. Қаршиев, Э. Оллиев, Ч. Узоқов, Б. Очилов ўртоқлар тушлик овқат пайтида. Собир Раҳимов районидаги Нодира номли болалар кутубхонаси донмо ўқувчилар билан гавжум. Бунда кутубхона мудираси А. Мирахмедованинг ҳиссаси катта. У 25 йилдан буён шу ерда иш лайди. Кутубхона мудираси ўқувчилар орасида.

Ж. Тўраев фотолари.

ЯГОНА ОИЛАДА

СССР Конституцияси қабул қилинганлигига 37 йил бўлди. У озод халқлар озод иттифоқининг асосий қонуни бўлиб, мамлакатимизда социализмнинг галабасини қонун билан мустаҳкамлаган бахт китобидир. Совет кишилари — ҳаётнинг тенг ҳуқуқли ҳўжайинлари социалистик демократиянинг барча неъматларидан баҳраманд бўямоқдалар. Шу билан бирга, уларнинг катта ҳуқуқлари гражданлик бурчлари билан чамбарчас боғлиқдир. Уларни бажариш совет кишиларининг ҳаётий эҳтиёж ва ахлоқ нормаларига айланган. Бизнинг мамлакатимизда жаҳонда биринчи марта Карл Маркс томонидан эълон қилинган, бурчсиз ҳуқуқ йўқ, ҳуқуқсиз бурч йўқ принципи амалга оширилган.

Бизнинг Конституциямиз қонунларни қатъий бажаришни, меҳнат интизомига риоя қилишни, ижтимоий бурчга ҳалол муносабатда бўлиш, социалистик турмуш қоидаларини ҳурмат қилиш, социалистик мулкни сақлаш ва мустаҳкамлашни ҳар бир гражданга юклайди. Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш СССР гражданларининг муқаддас бурчидир...

Дунёдаги энг демократик конституция — СССР Конституциясида шундай модда борки, у ҳар бир совет кишисида алоҳида фахр ва ифтихор ҳис-туйғуларини уйғотади. Бу Конституциянинг 122-моддасидир: СССР гражданларининг миллати ва ирқидан қатъий назар, хўжалик ва давлат ҳаётининг, маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тенг ҳуқуқли бўлишлари ўзгармас, қатъий қонундир.

Бугун жаҳонда биринчи марта Инсонни қайси миллатга мансублигидан қатъий назар юксакликка кўтарган СССР Конституцияси қабул қилинган йилларга назар ташлар экансиз, совет кишилари фахрланишга, қувонишга арзийдиган кўпгина воқеаларнинг гувоҳи бўламиз. Совет халқларининг дўстлиги булоқ сувидек мусаффодир. Бу дўстлик, қардошлик планетамизда адолатли тузум, коммунистик жамият қуриш ишида бизга туганмас куч-қудрат бахш этмоқда.

Октябрь социалистик революцияси галабаси социал ва миллий камситишларнинг барча формаларини абадий тугатди. СССР Конституцияси ана шу тарихий воқеани қонун билан мустаҳкамлади.

Ўзларининг кўп йиллик тажрибаларида Советлар мамлакатидаги барча миллат ва элатлар шунга ишонч ҳосил қиладиларки, ягона кўпмиллатли социалистик давлатга бирлашиб, социал тараққиётнинг юқори чўқисига эришишда, миллатларнинг эркин тараққий этишида улар жуда катта имкониятларга эга бўладилар.

Руслар ва украинлар, белоруслар ва ўзбеклар, қозоқлар ва тожиклар, арманлар ва эстонлар — СССРдаги барча халқлар вакиллари ўзларининг ўтроқ жойларини ташлаб бошқа республикаларга, она-Ватанимиз учун энг зарур ердарга бориб ишлайдилар. Турли миллат кишилари ягона оилага бирлашиб, янги-янги шаҳарлар бунёд этадилар, электр станцияларг, заводлар қурадилар. Ҳозир Украина, Ўзбекистон ва Қозоғистонда юздан ортиқ миллат ва элатлар бир оиланинг фарзандларидек яшамоқдалар.

Халқларнинг ленинча дўстлиги, интернационал қардошлик ҳислари совет кишиларининг коммунистик қурилишининг барча участкаларида ҳамкорликда қилаётган меҳнатида тобора чуқурлашмоқда. Она-Ватан фаровонлиги йўлида КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш учун ижодий меҳнат қилиш Совет Иттифоқи халқларини янада яқинлаштиради, уларни кўп миллатли ягона оилага янада мустаҳкамроқ бирлаштиради.

Қурилиш ташкилотлари ва саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, илмий-тадқиқот марказларида, знбилар коллективларида ижодий меҳнат жараёнида совет кишиларининг ажойиб фазилатлари камол топмоқда. Бу барча совет кишиларига хос бўлган коммунизм ишига садоқат, социалистик ватанпарварлик ва интернационализм, миллий ва ирқий сарқитларга нисбатан муросасизлик, фидокорлик, меҳнатсеварлик, ўзаро ёрдам, бошқаларнинг муваффақиятларидан самимий шодланиш фазилатларидир.

Ягона оила туйғуси! У улкан ишларга қодир. Инсонни улуғ ишларга илҳомлантиради. Табиий офатдан зарар кўрган Тошкент меҳнаткашларига қалб амри билан мамлакатимиздаги барча халқлар ёрдам қўлини чўзганликлари ҳаммамизнинг эсимизда. Шаҳримизнинг янги кўчалари ва кварталларидан ўтиб борар экансиз, ҳар қадамда дўстлик ва қардошлик рамзи бўлган ажойиб бинолар, болалар ва медицина муассасалари ва мактабларга кўзингиз тушади. Беихтиёр қалбда ажиб ҳис-туйғулар жўш уради. Совет Ўзбекистони меҳнаткашларига қардошларча ёрдам СССР халқлари қардошларча дўстлигининг намойишига айланди. У ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёрқин далилларидандир.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, турли халқ ва элатларнинг бизгадигидек ўзаро дўстлиги, ҳамкорлиги, маънавий бирлигини ҳали жаҳон тарихи кўрмаган.

Ягона оила ҳисси, интернационал қардошлик принципларига садоқат — миллатчиликнинг ҳар қандай сарқитига қарши курашда ишончли қуроддир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев айтганидек, совет халқларининг миллий бирлиги олмосдек мустаҳкамдир. Халқларимизнинг маънавий-сиёсий бирлиги ҳам олмосдек мустаҳкамдир. Бу бирлик совет жамиятининг иқтисодий, социал, маданий-маънавий тараққиётида асосий омил ҳисобланади. Совет кишилари ўзларининг куч-қудратлари ўзаро дўстлик ва ҳамкорликда эканлигини яхши биладилар. Шунинг учун ҳам улар Коммунистик партия раҳбарлигида улуғ мақсад — коммунизм сари комил ишонч билан қадам ташламоқдалар.

Ч. АБУТОЛИПОВ,
В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари.

ВАКОЛАТ

Овул Совети ижроия комитети мажлисининг қизғин ўтишига сабаб бўлди. Яхши режалар белгиланди, қарор қабул қилинди.

Депутатлар овул Совети қарорини бажаришга актив бош қўшдилар. Шу билан бирга пахта йиғим-теримида бевосита иштирок этиб, бошқаларга намуна кўрсатдилар. Овул Советига сайланган 63 депутатнинг 90 проценти пахта йиғим-теримида бевосита қатнашди. «Ленин байроғи» колхозидан Ж. Нуримбетов, С. Ўразимбетов, Ҳамза номли колхоздан Ж. Мустафоев, У. Дўсимбетов каби депутатлар терим машинаси рулини бошқариб, мавсумда 150-160 тоннадан пахта теришди. Бибигулнинг ўзи ҳам бу умумхалқ ишидан четда қолмади. «Зангори кема»ни бошқариб, 300 тоннадан энгдроқ пахта терди.

Бибигул Иброҳимова халқ берган ваколат билан маҳаллий ҳокимият органларига раҳбарлик қилаётган ўнлаб ва юзлаб хотин-қизлардан бири. Унинг ҳаёт йўли — оддий деҳқон қизининг ҳаёт йўлидир. Бибигул мактабда ўқиб юрган чоғидаёқ механик-ҳайдовчи бўлишни орзу қиларди. 1961 йилда тўрт ойлик механизаторлар тайёрлаш курсини битириб, ўша йили биринчи марта машинада «оқ олтин» териш учун Ҳамза номли колхоз даласига чиқди. Дастлабки йили ёқ 100 тонна пахта терди. 1962—1963 йилларда унинг терган пахтаси 110-120 тоннаданга тўғри келди. Бибигул ишда ўзини кўрсатди. Ҳаммага танилди. Колхозчилар уни бригада бошлиғи қилиб кўтаришди. Ишонч билан меҳнат қилиш, кишиларни эргаштира билиш, ташкилотчилик — Бибигулнинг ана шу хусусиятлари ҳаммага равшан бўлиб қолди. Бригада пахта тайёрлаш йиллик планини ҳар йили 130-160 процент бажарадиган бўлди.

Бибигул бригадага раҳбарлик қилар экан, колхознинг шу участкасида йўл-кўприк қуриш, ободончилик ишларига бошчилик қилди. Бибигулнинг ғайратини, ташаббусини кўриб тан берган кишилар уни Хўжайли районидаги Кенагас овул Советига депутат қилиб сайлашди.

Ишнинг кўзини биладиган қиз 1967 йилда овул Совети раисининг ўринбосари, 1969 йилда эса овул Советининг раиси қилиб сайланди.

Бибигул Иброҳимова бошчилик қилаётган овул Совети ижроия комитети Ҳамза номли, «Ленин байроғи» колхозларининг экономикасини, маданиятини юксалтириш, колхозчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш, маданий-маиший ишларни яхши йўлга қўйиш юзасидан кўп ишлар қилди. Овул Совети депутатлар фаолиятини, доимий комиссиялар ишини активлаштириш йўли билан ҳар икки хўжаликда турмушнинг ҳамма томонларига баракали таъсир кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишларидан ташқари ободонлаштириш, мактаблар, болалар боғчалари ва яслилар, касалхоналар ишини яхшилаш ва бошқа маданий-маиший муассасалар ишига оид масалалар кун тартибига киритилмоқда.

Овул Советининг раиси, район Советининг депутати Бибигул Иброҳимова халқ берган ваколат билан элга сидқидилдан хизмат қилмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

УСТАЗОДАЛАР

«Зангори гумбазлар» чойхонасида беш-олти мўйсафид ўзаро суҳбатлашиб ўтиришибди.

— Усталарнинг қўли дард кўрмасин, — деб гап бошлади улардан бири. — Безагини ҳам, қурилишини ҳам қотиришибди. Навоий, Ҳамза, Мукимий театри биноларини кўрганда ҳам одам яйраб кетади. Шу биноларни қуйинчиликларини енгиб, болаларини оқ ювиб, оқ тарар эди.

1945 йил 25 май куни Нуриддин ака фронтдан қайтиб келди. У инвалид бўлиб қайтганига қарамай оилага бош бўлди, ўз фарзандларини ёшлигидан меҳнатда чиниқтиришга, ҳалол яшашга ўргатишга ҳаракат қилди. Шу билан бирга уларнинг билимли бўлишларига ҳам алоҳида эътибор берди. Ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаган катта ўғли Муҳиддин Тошкент политехника институтининг механика факультетини битириб, транспорт ҳўжаликларида меҳнат қилди. У автослесарликдан директорлик лавозимигача кўтарилди.

Ҳусниддин эса ушбу институтнинг қурилиш факультетига резерв студент бўлиб кирган эди. Кейинчалик шу факультетнинг аълочи талабаси бўлиб қолди. Қурилиш физикаси кафедраси янги очилган кунларда кимни бу кафедрада аспирантурага олиб қолиш масаласи кўндаланг бўлиб қолганда, битирувчилар орасидан уни танлашди. Биноларни табиий ёруғлик билан таъминлаш, уларни қуёш жазирамасидан сақлаш проблемалари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш биринчи марта кун тартибига қўйилди. Ўрта Осиё шароитида турли хил бинолар учун ёруғлик коэффициентини аниқлаш ва уни қуришлаш лойиҳаларида ҳисобга олиш, биноларни табиий ёруғлик билан таъминлаш проблемасини, умуман нур проблемасини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Бу минглаб киловатт электр энергияни тежаш имконини беради. Ҳусниддин шу соҳа бўйича яхши мутахассис бўлиб етишди. У кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, ҳозир қурилиш факультетининг кечки ва сиртқи бўлимига деканлик қилмоқда. Қурувчи кадрлар тайёрлаш ишига барака ли ҳисса қўшмоқда.

ЛАВҲА

Ўртанча ўғил — Зайниддин қайсарроқ бола эди. Унинг ўқишга унчалик ҳафсаласи йўқ эди. Шунинг учун Нури ая Нуриддин акага:

— Бу ўғлимизнинг ўқишга унчалик ҳафсаласи йўқ, дадаси. Яхшиси уни бирор магазинга, ошхонагами ишга жойлаб қўя қолайлик, — деди. Нуриддин ака хотинининг бу маслаҳатига қўнмади. Ўғлини кечки мактабга ўтказиб, пойафзал фабрикасига ишга жойлаштириб қўйди.

— Ўқингинг келмаса ишла, меҳнатнинг қадрига етасан ўшанда, — деди у эрка ўғлига.

Зайниддин фабрикада ишлаб ҳар қандай ишда билим зарурлигини англаб етди. Кейин ўқишга шундай берилиб кетдики, ўрта мактабни муваффақиятли битириб, политехника институтининг қурилиш факультетига ўқишга кирди. Институтни битиргач, бир йил Совет Армияси сафида хизмат қилди. У армия сафида ҳам жисмонан чиниқди, ҳам ҳаёт мактабини ўтади. Ҳозир Зайниддин В. Д. Журин номидаги Урта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтида илмий ходим. Урта Осиё сув ҳавзаларидан рационал фойдаланиш бўйича кандидатлик диссертациясини тайёрламоқда.

Шамсиддин ака-укалари орасида энг қобилиятлиси эди. У ҳамма нарсага қизиқарди. Тамбур чертиш, ёғочга гул ўйиш, фанерга гул солиш, ганч-ўймакорлик ҳунарларини ҳам эгаллаган эди. Шунинг учун эр-хотин бу ўғлимиз ё архитектор-реставратор, ёки санъаткор бўлса керак, деб ўйлашарди. Йўқ, ундай бўлмади. Шамсиддин политехника институтининг химия факультетига ўқишга кирди. Химия-технология жараёнларида кибернетиканн қўллаш бўйича мутахассис бўлиб чиқди. Институтни имтиёзли диплом билан битиргани учун уни аспирантурада олиб қолишди.

Кенжа ўғиллари Уткир ҳам Шамсиддининг изидан бориб, политехника институтининг химия-технология факультетида ўқиди. У умумий овқатланиш технологияси бўлимини битириб, Фрунзе район ошхоналар трестида инспекторлик қилмоқда. Қизлари Назми эса қўли гул чевар. Халқимизни хушбичим, чиройли кийимлар билан кийинтиришга ҳисса қўшмоқда. У тиккан кийимлар буюртмачиларга манзур бўлмоқда.

— Партия ва ҳукуматимиз берган барча имтиёзлардан тўла баҳраманд бўляпмиз, — деди Нуриддин ака Шокаримов. — Улуғ Ватан урушн инвалидларига ҳам катта имтиёзлар берилган. Ҳар йили мамлакатимиздаги турли курорт ва санаторийларга бепул путёвка беришади. Грузиянинг «Цхалтуба» курортида, Ереванлари «Арзини» санаторийсида дам олдим. Ҳар ойда нафақа олиб тураман.

— Фарзандларимнинг ўқимишли бўлишини, эл-юртга наф келтиришини орзу қилар эдим. Замонамиздан айланай. Уз ниятимга етдим, энди бешовлан ўғлим ҳам инженер. — дейди Нури ая.

Баҳор офтоби заррин нурларини сочганда бутун борлиқ яшнаб кетади. Шу боисдан бўлса керак Октябрь қуёшини ҳам баҳор офтобига ўхшатишади. Октябрь қуёши барча оилаларга тенг нур сочмоқда.

Нуриддин ака ва Нури ая оиласи давримизнинг пири бадавлат оилаларидан. Бундай бахтиёр, ҳавас қилса арзигулик оилалар бизнинг замонамиз—социалистик тузумимиз туфайли вужудга келди. Бу оилани устозодалар, инженерзодалар оиласи дейиш мумкин. Бу оила аъзоларининг тақдири коммунистик мўл-кўлчилик йўлида, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган миллионлаб совет кишиларнинг тақдирини эслатади.

Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВА.



Суратда: Нуриддин ака ва Нури ая ўз фарзандлари орасида. И. Глауберзон фотоси.

Дехқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг борнши тўғрисида 1973 йил 4 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

	Биринчи устун—областлар; иккинчи устун—ҳайдалган майдон (минг гектар ҳисобида); учинчи устун — планнинг бажарилиш проценти		
	Хоразм	8,6	107,3
	Тошкент	216,5	103,0
	Андижон	178,2	101,9
	Сирдарё	293,1	100,9
	Самарқанд	235,3	99,2
	Фарғона	84,5	85,3
	Наманган	107,8	80,0
	Сурхондарё	105,5	75,1
	Қашқадарё	96,3	68,0
	Бухоро	123,7	67,7
	ҚҚАССР	21,0	30,9
	Республика бўйича:	1470,5	87,1

ТАСАННО

Бугунги шодиёнада ўзбек пахтакорларини сафар билан қутлайман. Ўзбекистон меҳнаткашлари «оқ олтин» фронтида мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб, пахтадан тоғлар яратишди.

Пахта — қондошларимизнинг миллий ифтихори, обрў-эътибори, шон-шарафидир. Дўстларимиз кўнгилларининг шодлиги, хонадонларининг қут-баракаси ҳам шу пахта туфайлидир.

Қирғиз халқи ҳам биродарларимиз билан елкамаелка туриб ишлади. Она-Ватан омборларига 230 минг тоннага яқин пахта армуғон этилди. Ваъдага вафо қилдик. Бу муваффақиятда менинг ҳам кичик улушим бор.

Ўзбек биродарларимиз деҳончилик тарихида катта тажриба дорилфунунини яратдилар. Пахтанинг серҳосил, тезпишар навлари яратилди. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштаги илғор тажрибалар шулар жумласидандир. Булар бизга ҳам жуда қўл келмоқда. Бунинг учун сахий, меҳмондўст, ғўзал ўлканинг олижаноб одамларига таъзим қиламан.

Абдусамат АБДУРАҲМОНОВ,

Қирғизистон ССР, Қорасув районидаги Киров номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ОФАРИН!

Азамат ўзбек пахтакорлари фидокорона меҳнат қилиб, она-Ватан омборларига 4.900 минг тоннадан зиёдроқ пахта етказиб беришди. Аҳдига вафодор, лабзи ҳалол, қондош ўзбек халқига офарин!

Бизнинг пахтакорларимиз ҳам катта мақсад йўлида жасорат кўрсатиб ишладилар. 1 миллион тоннадан зиёдроқ «оқ олтин» мамлакатимизга армуғон этилди. Бу, туркман меҳнаткашларининг орзу-умиди, кўзлаган мақсади эди. Ниятимизга етдик, катта довон ошдик. Бундан буён яна янги уфқларни кўзлаймиз.

Пахта теримини механизациялаштиришда ўзбекистонлик механизаторлар янги ташаббус бошлаб бердилар. Минглаб механик-ҳайдовчилар бу ташаббусга қўшилдилар. Эндиликда «зангори кемаялар бункеридан 200-500 тоннадан ошириб «оқ олтин» тўккан механизаторлар кўпайиб бормоқда. Менинг ўзим «Ўзбекистон» маркали машина бункеридан 300 тоннадан ошириб пахта бўшатдим.

Бу йил мавсумда машинада минг тоннадан ошириб дур терган қардош ўзбек пахтакорлари вакилларининг номларини газеталардан ўқидик, радиодан эшитдик. Минг тонначилар мусобақасини бошлаб беришда ўзбекистонлик пахтакорлар бизга яна устозлик қилишади.

Бугунги кунда Маҳтумқули юртида ҳам, Навоий ватанида ҳам ҳосил байрами бошланмоқда. Бу байрам — СССР халқлари дўстлигининг тантанасидир. Буюк оилада дўстларимиз туйғуларига шерик бўлганим билан фахрланаман.

Аннамуҳаммад ЯХШИЕВ, Туркманистон ССРдаги «Тежен» совхози механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ТЎЁНА

Халқимиз тўйга тўёнасиз бормайди. Андижон ҳам «Ҳосил байрами»га 588 минг тонна «оқ олтин» олиб келди. Бунда биз механизаторларнинг ҳам улушимиз бор. Шунча пахтанинг 53 процентини машиналарда тердик.

Мен 1967 йилдан бери машинада пахта тераман. Механизаторлик — ота касбим. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ машинага меҳрим тушиб қолган эди. Дарсдан кейин отам билан бирга тракторда ишлаб юрардим... Бултур механизация билим юртида ўқидим.

Дастлаб мавсумда 100 тоннадан пахта тердим. Бултур икки қаторли агрегат бункеридан 420 тонна пахта тўкдим. Бу йил комплекс механизациялаштирилган бригадага бошлиқ бўлиб ўтдим. 89 гектар майдонга ўзим чигит экиб, ғўзаларга ҳам ўзим ишлов бердим. Етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини бир ўзим тердим. Бригадамиздаги пахтани териб бўлгач, қўшни бригадалар ва «Правда» колхозига ўтиб ишладим. Ҳаммаси бўлиб бу йил терган пахтам 650 тоннадан ошди.

Бригадамиз бўйича ҳар гектар ердан 36 центнердан ҳосил олдик. Шу кеча-кундузда кузги-қишки тадбирларни изчиллик билан амалга оширяпмиз. Бугун-эрта шудгорлашни тугаллаймиз. Биз «Ҳосил байрами»ни ана шундай меҳнат ғалабалари билан кутиб олдик.

Абдуназар ХОЛИҚНАЗАРОВ, Андижон районидаги «Ямбол» колхозининг механик-ҳайдовчиси.



Суратда: республикамиз «Ҳосил байрами»га муносиб совғалар тайёрлашган кўкси тог, кўнгли чоғ Фарғона ва Қашқадарё областларидан келган машҳур пахтакор-механизаторларни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.

ИШЧИЛАР ҚУТЛОВИ

ТЕНГСИЗ ҒАЛАБА

Республикамиз меҳнаткашлари ҳал қилувчи йилда тенгсиз ғалабани қўлга киритдилар. Саноатимизнинг юздан ортиқ тармоғида ҳам, қишлоқ хўжалигимизда ҳам мислсиз муваффақиятларга эришилди. Бугун — Ҳосил байрами! Меҳнат ва роҳат байрами. Дала меҳнаткашларининг эришган юксак муваффақиятлари бу тантанали байрамга файз-тароват бахш этаётганлигининг боиси бор.

Пахтакор бободеҳқонларимиз қарийб 5 миллион тонналик «оқ олтин» хирмонини уюшди. Республикамиз пахтачилиги тарихида ҳеч қачон бунчалик катта ютуққа эришилмаган эди. Улкан хирмон барчанинг дилига, айниқса пахта тозаловчилар, машинасозлар, тўқимачилар дилига эўр шодлик ва куч-ғайрат бахш этмоқда.

Пахтакорларимизнинг ва бошқа қишлоқ хўжалиги тармоқлари меҳнаткашларининг қўлга киритган мислсиз муваффақиятларида бевосита машинасозларнинг, қолаверса, ишчилар синфининг кўшган ҳиссаси ҳам каттадир. Биз яратаётган қудратли машиналар деҳқонларимиз оғирини енгил қилаётганидан, беминнат дастёр бўлаётганидан хурсандмиз. Шунинг учун ҳам «Ҳосил байрами» — биз ишчиларнинг ҳам байрамимиздир.

Тўй муборак қўли олтин, олиҳиммат деҳқонлар!

М. МУҲИДИНОВ, «Ташсельмаш» ишчиси, Л. КАЗАНЦЕВА, Тошкент тўқимачилик комбинати 1-тўқув фабрикаси тўқувчиси. Д. ШЕРЧИБОЕВ, Чирчиқ электрохимия комбинатининг мисгари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. А. ВОҲИДОВ, Наманган қурилиш бошқармасининг комплекс бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. С. ТОЖИЕВ, Бухоро пахта тозалаш заводининг Ленин орденли смена мастери.

ҒОЛИБОНА МЕҲНАТ ТАНТАНАСИ

Э. ШАЙХОВ,

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри

Бугун серқуёш республикамизда улкан байрам-тантана. Ҳа, мўъжизакор халқимиз йил бўйи қилган ғолибона меҳнатининг гаштини сурмоқда, анъанага айланиб қолган «Ҳосил байрами»ни тантаналн нишонламоқда.

Бу йилги «Ҳосил байрами»га жуда катта тўёна билан келдик. Мамлакат «оқ олтин» хирмони 4 миллион 900 минг тоннадан кўпроқ Ўзбекистон пахтаси билан бойиди. Республикамиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев иштирокида Тошкентда ўтказилган пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилиши белгилаб берган маррадан ҳам ўзиб кетдилар.

Пахтачилик тарихида мисли кўрилмаган хирмон кўтардик. Оппоқ тоғлар силсиласи ҳаммани ҳайратга солмоқда. Бу — даставвал пахтачиликка комплекс механизациянинг дадил жорий этилаётганлиги, янги навлар яратилиб, ишлаб чиқаришга йўлланма олганлиги, деҳқончиликда химия ўз ўрнини эгаллаганлиги, ирригация-мелиорация ишлари мисли кўрилмаган даражада кенг кўламда олиб борилаётганлиги шарофатидир, албатта. Бу йилги ҳосилнинг қарийб 2 миллион 700 минг тоннаси, яъни 55 проценти машиналарда териб олинганлиги ҳам буни яққол исботлаб турибди.

Бу йил пахта йили бўлди. Республика партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари КПСС Марказий Комитети ҳамда Иттифоқ ҳукуматининг гоят катта ёрдамига таяниб меҳнаткашларнинг куч-ғайратини мўл ҳосил етиштириш ва уни қисқа муддатда йиғиштириб олишга сафарбар этдилар. Йиғим-теримнинг энг долзарб дамларида республика бўйича ҳар куни давлат омборларига 140-145 минг тонна «оқ олтин» жўнатиб турилди. Пахта плани энг қисқа муддатда — 24 октябрда шараф билан адо этилди. Бунақа суръатни, бунақа алпона қадамларни ҳалигача ҳеч ким ҳеч қачон кўрган эмас.

Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили социалистик мусобақасида Андижон области меҳнаткашлари ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар. Улар пахта тайёрлаш йиллик планини 42 иш кунида бажардилар. Кўпгина хўжаликлар планни 20—30 иш кунида ниҳоясига етказишди. Қашқадарёликлар эса пахта планини 18 октябрда адо этдилар.

Сурхондарё областининг меҳнаткашлари ҳам далаларда жонбозлик кўрсатишди. Область хўжаликлари давлат план-топшириғини 20 октябрда уддалаб, тайёрлов пунктларига 440 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Шунча ҳосилнинг анча қисмини ингичка толали пахта ташкил этади.

Айниқса Наманган ва Фарғона областлари деҳқонларининг ютуқлари қувонарлидир. Улар ҳосилдорликни ошириш учун ҳамма имкониятлар борлигини амалда исботладилар. Республикада пахтачилик билан шуғулланадиган 110 райондан қарийб 90 таси ҳар гектар ердан 30-центнердан ошириб ҳосил топширди. Тўрткўл, Жалолқудуқ, Избоскан, Ленин, Марҳамат, Пахтаобод, Қўрғонтепа, Шаҳрисабз, Пахтачи, Денов, Жарқўрғон, Сариосиё, Шўрчи, Жиззах, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ, Бағдод, Ленинград, Боғот, Янгиариқ ва бошқа кўпгина районлар пахта учун курашда ажойиб муваффақиятларга эришдилар.

Бу йилги ҳосил йиғим-теримнинг характерли хусусияти шундан иборатки, республика механизаторлари ўртасида терим агрегатларидан оқилона фойдаланиш бўйича социалистик мусобақа ҳар қачонгидан ҳам авж олдирилди. Ҳар бир машинадан юксак унум билан фойдаланиш учун кураш янада кучайтирилди. Механизаторлар мусобақаси йиғим-теримни муваффақиятли ўтказиш ва давлатга пахта сотиш юзасидан олинган юксак мажбуриятларни ортиғи билан бажариш учун кучга-куч, ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қиламиз, деган шиор остида ташкил этилди. Республикамиз механизаторларининг ажойиб ташаббуси КПСС Марказий Комитети томонидан маъқулланди ва қардош пахтакор республикалар механизаторлари томонидан қўллаб-қувватланди.

Бепоён далаларда қарийб 28 минг «зангори кема» бетиним ишлади, 60 мингдан зиёдроқ трактор прицеплари, минглаб бошқа техника ва механизмлар қучилан баракали фойдаланилди. Бу техниканинг барчаси колхозлар, совхозлар ҳамда «Узсельхозтехника» бирлашмалари устахоналарида ўз вақтида сифатли тайёрлаб қўйилган эди.

Колхоз ва совхозлар машиналарни группа усулида ишлатдилар, йиғим-терим даврида техника қаровини яхши ташкил этдилар. Агрегатларнинг унумли ишлаши учун ҳамма шароитлар яратиб берилди. Шу боисдан ҳам энг қизғин дамларда машиналар бункеридан ҳар куни 80-85 минг тонна ёки йиллик планнинг қарийб 2 проценти миқдорида «оқ олтин» бўшатилди.

Ҳар йилдагидек бу йил ҳам Сирдарё области механизаторлари биринчиликни эгалладилар. Бу ерда ялпи ҳосилнинг 80 проценти пўлат этакларда териб олинди. Пахта йиғим-теримини механизациялаш даражаси Тошкент областида 70 процентни, Наманган областида — 60 процентни ташкил этди. Самарқанд ва Фарғона областлари хўжаликлари ҳам машина терими кўламини анча кенгайтирдилар.

Задарё, Учқўрғон, Дўстлик, Оқолтин, Ильич, Октябрь, Мирзачўл, Пахтакор районлари механизаторлари етиштирилган ҳосилнинг қарийб ҳаммасини машиналарда териб олдилар.

Қорақалпоғистон АССР ва барча областлар пахтани машинада териш йиллик планини бажардилар.

Мингларча механик-ҳайдовчилар жуда катта маҳорат кўрсатишди. Сирдарё областидан Тўлан Дадажонов, Андижон областидан Обиджон Акбаров, Самарқанд областидан Бобошер Шовхиев, Сурхондарё областидан Абдусаттор Қурбонов, Жиззах Рустамов ва бошқа кўпгина дала гвардиячиларининг ҳар бири 700-1000 тоннадан «оқ олтин» териб берди.

Алижон Латипов, Зуҳра Ҳасанова, Мақсуда Давлатова, Ёқуб Тожиев, Абдуфаттоҳ Солиев, Қозоқ Камолов, Рўзимурод Дўстмуродов, Лайли Ғуломнабиева, Қадам Онаназаров, Турсуной Очунова, Султон Жуманиёзов ва бошқа юзлаб механизаторлар мавсумда икки-уч норма бажаришди. Шаҳарлик ака-ука Шодиевлар 2 минг тоннадан зиёдроқ пахтани агрегатларда териб, жасорат кўрсатишди.

Илғор агротехника, фан ютуқлари, кўп йиллик тажрибалардан яхши фойдаланилганлиги, резервлар ишга туширилганлиги туфайли кўпгина районлар, колхоз ва совхозлар ҳосилдорликни анча оширишга муваффақ бўлишди. Масалан, Сариосиё районн гектар бошига ўртача 37,4 центнердан хирмон кўтарди. Республикада энг йирик Оққўрғон райони 29,4 минг гектар ернинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 31,2 центнер «оқ олтин» етиштирди. Ленин районидаги «Правда Востока» колхози 2243 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан пахта сотди. Бу ерда ҳосилдорлик гектар бошига қарийб 45 центнерга етказилди. Тўрткўл районидаги Максим Горький номли колхоз гектаридан 41,1 центнердан, Жиззах районидаги «Москва» колхози — 40 центнердан «оқ олтин» топширишга муваффақ бўлдилар.

Мингларча пахтачилик бригадалари қўшимча социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб адо этиб, юксак кўрсаткичларга эришдилар. Бўз районидаги «Партия XX съезди» колхозининг Назар Деҳқонов, Бапикчи районидаги «Пахтакор» колхозининг Шермат Салимов, Тўрткўл районидаги Максим Горький номли колхозининг Т. Қурбонов, Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхозининг Аҳмад Бердиев, Сариосиё районидаги «Ленинград» колхозининг Каҳҳор Саидов, Киров районидаги «Искра» колхозининг Турсуной Собирова ўртоқлар бошлиқ бригадалари ва бошқа кўплаб шундай коллективлар гектаридан 40-50 центнер ва ундан ҳам ошириб «оқ олтин» топширдилар.

Республикамиздаги кўпгина колхоз ва совхозлар минерал ўғитлардан фойдаланишда тупроқнинг унумдорлигини ҳисобга олмоқдалар ва агрохимия картограммаларига риоя қилмоқдалар. Бу, ўз навбатида ўғитлардан самарали фойдаланиш имкониятини бераётир. Айни вақтда ҳосилдорлик йилдан-йилга кўтарилиб бормоқда. Оққўрғон районидаги Куйбишев номли, Поп районидаги Ленин номли, Ленин районидаги «Коммунизм», Шаҳрисабз районидаги «Ленинград», Денов районидаги Охунбобоев номли колхозлар, Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ва бошқа кўпгина хўжаликлар ҳар бир килограмм азот ҳисобига 16-18 килограммдан пахта етиштирдилар.

Пахта ҳосилдорлигини оширишда чигитнинг «Тошкент-1» ва «Тошкент-3» навлари жуда катта роль ўйнади. Пахта майдонларининг қарийб 70 процентига вилтга чидамли бўлган ана шу навли чигит экилди. Натижада барча майдонларда, айниқса Фарғона водийси районларида мўл-кўл ҳосил етиштирилди. Олимларимиз томонидан яратилган ва пахтачиликда кенг қўлланилаётган янги навлар ҳосилдорликни бундан буён ҳам оширишда муҳим омил бўлиб қолажак.

Шу кунларда республикамиз далаларида ижодий меҳнат булоқдек қайнамоқда. Кузги шудгорлаш ишлари қизғин давом эттирилмоқда, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин тайёрланяпти.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларида эришган муваффақиятларимиз ҳам қалбларни қувонтиради. Пиллакорлар, сабзавоткорлар, боғбонлар — соҳибкорлар ҳам маҳсулот етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар. Пландагидан анча кўп миқдорда дон, гўшт, сут, тухум сотилди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришдан олинаётган даромадлар хўжалик ва маданий-маиший қурилиш ишларини кенг кўламда олиб боришга имконият яратмоқда. Колхозларда қурилишлар бош план асосида олиб борилаётир. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг эълон қилинган қарорини турмушга татбиқ этиш мақсадида Самарқанд область Булунғур районидаги «Октябрь», Тошкент область Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозларида экспериментал-намунавий посёлкалар қурилиши амалга оширилаётир. Сирдарё районидаги «Ленинград», Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозларида 1974 йилда шундай қурилишларни амалга ошириш учун лойиҳалар тайёрланяпти.

Пахта — халқ бойлиги. Пахтадан мўл ҳосил етиштириш ва мамлакатнинг «оқ олтин»га бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис қондириш — серқуёш республикамиз меҳнаткашларининг жонажон бурчидир. Ана шу бурчга ҳамиша содиқ қолган пахтакорларимиз янада юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилаверадилар. «Ҳосил байрамини жуда катта ютуқлар билан кутиб олган «оқ олтин» ижодкорлари, ғаллакорлар, чорвачилик фермаларининг ходимлари, соҳибкорлар, хуллас, ҳар бир қишлоқ хўжалик ходими ишчи-деҳқон ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаб, партия ташкилотлари раҳбарлигида бундан ҳам улкан муваффақиятларга эришадилар. Бу билан КПСС XXIV съезди белгилаб берган вазифаларнинг изчил амалга оширилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.





Бугун республикамизда «Ҳосил байрами», катта тантана. Қалбларда меҳнат ишқи, меҳнат сурони туғён ураётир. Бу хуш айёмни қишлоқ хўжалик ходимлари завқли меҳнат қучоғида ваъдага вафо қилиб, ёруғ юз билан нишонлаётирлар. Суратларда: (юқорида) Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозининг машҳур механизатори Ё. Отабоева. (Пастда) Ўз боғимидаги сариғ сигирларнинг ҳар биридан 4500 литрдан сермаҳсул сут соғиб олаётган Жиззах районидаги «Москва» колхозининг донгдор сигир соғувчиси Т. Худойназарова иш устида.

И. Глауберзон ва А. Палехов фотолари.

ОЛТИН ҚЎЛЛАР

«Оқ олтин»ни олтин қўллар яратади.

(Л. И. БРЕЖНЕВ сўзидан).

I.

Ҳаёт беқиёс гўзал, бундай чексиз чиройни
Олтин қўллар яратган, меҳнаткаш азиз одам.
Истаса қўндиради кўкдаги тўлин ойни,
Истаса юлдузларга қўя олади қадам!

Бизларда чаман — боғ кўп, дилингни қўяр боғлаб,
Инсон қўли гул деррлар, бу ҳаёт фазилати.
Гўзалликка ташнасан ҳар бир ондан сўроғлаб,
Уни яратиб яшаш — ҳар юракнинг нияти.

Олисларга элтади бизлар юрган бу йўллар,
Йўлдан йўлларга ўтиш яшамоқдир аслида.
Бор бўлсин дейман, доим йўл юрган тетик диллар,
Йўлда қолиб кетмасин ҳеч ким инсон наслида!

II.

Табиат йигит ёшда, эгнида яшил либос,
Ер юзидан йўқолиб бормоқда қақроқ чўллар,
Она тупроққа қадим-қадимлардан чин ёхлос —
Қўйиб яшнатган уни соф дилли олтин қўллар.

Мағрур қоя чўққилар унга оддий бир зина,
Зиналардан юксалиб парвоз этганда диллар,
Қуррамизда яралар туганмас бир ҳазина,
Яшашга завқ яратур соф кўнгил олтин қўллар.

Сўйлатиб қўёш нурин, кўкка очди дарвоза,
Пўлатдек дўстлик билан уфқда боғлар эллар.
Бизнинг гулгун бу ҳаёт олам узра овоза,
Чунки унинг эгаси қадоқ қўл — олтин қўллар.

Яшаган ҳар кунимиз қаҳрамонликка бир боб,
Келажагимиз эса очилмаган чўнг йўллар.
Йўлларда юрмоқликни қилиб кўрсан сарҳисоб,
Меҳнатга шай бўлади чарчамас олтин қўллар.

Бошимизда парвона ҳар сайёра, ҳар юлдуз,
Бизларга бир қадамдир олис-олис манзилар.
Бизлар учун олтин ип тўқир қўёш ҳар кундуз,
Ундан олтин беланчак яратар олтин қўллар!

III.

Олтин қўллар ҳақида тўқиймиз катта достон,
Олтин қўллар — бу аслн
Азиз меҳнаткаш аҳли.
Меҳнатин роҳатини кўриб кўксиндир осмон,
Ҳар қанча ғурурланса,
шодланса бугун ҳақли!

Бири пахта устаси, бири заводда илғор,
Бири учса осмонда, бири тўқийди атлас.
Бири конлар кўзини очиш билан бахтиёр,
Бири қўшиқ тўқийди ҳаётга қўйиб ёхлос!

Бири осмонга нарвон қўйиб, чиқди томига,
Бири игна учига сиғдирар Ер куррасин.
Бир гул баҳона бўлди бирининг ёқимига,
Бири ишқин куйлайди танғиб бошга дуррасин.

Ҳаммасининг дилида гул замона ишқи бор,
Ҳаммасининг номи ҳам оддий бир сўз —
Меҳнаткаш!

Ҳаммасига бир осмон,
Битта улкан бу диёр!

Мақсад элга хизматдир, — дейди барчаси яқиндан!
Ой билан Ерга кўприк қурган асрим кишиси,
Диллардан-дилларга ҳам кўприк солган ҳар қачон.
Дунёда ҳамманинг ҳам ҳаммада бордир иши,

Бир бири билан тирик,
Шундай яшайди инсон!
Олтин қўллар кўтариб турар ҳаёт юкини,
Ернинг таянч нуқтаси шу қўллар елкасида.

Олдинроқдан билувчи келажакнинг уфқини —
Қадоқ қўлни ўпаман!
Тўниб унга қасида...

IV

Беш бармоқдан иборат одамзоднинг қўллари,
Беш қиррали юлдуздай кўксинг узра кулади.
Шу қўлларнинг измида яшамоқнинг йўллари,
Емонликка мушт бўлса,

Яхшига дўст бўлади!
Қўлни қўлга берамиз ҳар тонг учрашган чоғи,
Саломатлик тилаймиз,
Тилаймиз олис йўллар.

Қўллар кўкранда бўлса, очиндир дўст қучоғи.
Ободлик,
Биродарлик бойси олтин қўллар!

ТЎЛҚИН.

КАТТА ШОДИЁНА

Серқуёш республикамизнинг ҳамма жойида бўлгани каби Наманган областининг Қорадарё бўйларида жойлашган хўжаликларда ҳам катта тантана, «Ҳосил байрами». Қалбларда бу хуш айём нашидаси. Бунинг боиси — Тошкентда ўтказилган пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга берган ваъдаларининг устидан чиққан пахтакорларимизнинг улкан ғалабасидир.

Республикамизнинг пахта хирмонига колхозимиз аъзолари 3100 тоннага яқин «оқ олтин» тўкиш билан муносиб ҳисса қўшдилар. Тайёрланган пахтанинг 95 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. Ялпи ҳосилнинг 87 проценти машиналар бункеридан бўшатилди. Ҳосилдорлик йил сайин ошириляпти. Кейинги уч йил ичида гектаридан олинадиган пахта ҳосили 11 центнерга кўпайтирилди. Кўпгина бригадалар гектаридан 37-40 центнерга етказиб хирмон кўтарди. Йўлдошали Худойбердиев, Лайлихон Мирзаева бошчилик қилаётган бригадалар ва бизнинг коллективимиз шулар жумласидандир.

Пахта ҳосилининг кўпайтирилиши колхозимизга, хонадонларимизга кут-барака киритмоқда. Моддий манфаатдорлик ошмоқда. Биз келгуси йилда ҳам бу бойлик манбаини янада кўпайтирамиз ва ундан катта даромад қилишни мўлжаллаяпмиз. Колхозимиз аъзолари «Ҳосил байрами»ни кузги шудгорлаш ишларини тугаллаш билан кутиб олишди.

А. ТОШМИРЗАЕВ, Наманган область Норин районидаги «Пахтакор» колхозининг бригада бошлиғи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.

„ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИ

Республика районлари ва областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 4 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар ва областлар, иккинчи устун — мавсум бошидан буён, учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Мирзачўл	135,35	132,98
Янгиер	133,76	132,69
Дўстлик	128,76	129,01
Жиззах	126,99	184,54
Пахтакор	125,84	128,94
Боёвут	124,88	156,64
Ильич	122,48	145,63
Октябрь	119,94	113,66
Ворошилов	119,68	157,94
Оқолтин	119,02	118,71
Сирдарё	116,14	133,93
Гулистон	112,45	144,62
Область бўйича	123,05	136,13
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Ленин	127,50	114,75
Пахтаобод	122,55	153,79
Избоскан	121,75	134,46
Жалолқудуқ	120,97	148,77
Қўрғонтепа	119,54	130,95
Хўжаобод	118,01	121,52
Марҳамат	117,51	134,28
Бўз	111,59	168,05
Андижон	108,96	107,76
Балиқчи	106,11	142,31
Москва	103,00	137,91
Область бўйича	115,24	136,51
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Оҳангарон	124,99	134,60
Бўка	114,43	115,01
Бекобод	114,24	116,80
Юқори Чирчиқ	113,91	115,81
Пискент	109,25	104,10
Янгиўл	108,20	114,06
Чиноз	107,26	129,42
Урта Чирчиқ	104,17	102,84
Область бўйича	113,36	118,14
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
Қарши	127,98	223,94
Ғузор	124,09	116,61
Шаҳрисабз	117,89	102,41
Яккабоғ	114,72	111,41
Қамаши	112,40	113,18
Ульянов	112,32	101,63
Китоб	105,91	30,78
Косон	102,46	111,17
Чироқчи	100,01	57,81
Область бўйича	113,19	105,06
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
Шўрчи	117,37	121,62
Жарқўрғон	115,57	101,81
Сариосиё	113,35	108,73
Шеробод	113,29	101,93
Гагарин	110,69	113,55
Термиз	109,41	87,79
Денов	109,27	109,99
Область бўйича	112,95	108,84
НАМАНГАН ОБЛАСТИ		
Чуст	118,86	142,19
Янгиқўрғон	118,85	131,44
Задарё	113,21	112,35
Учқўрғон	112,31	191,06
Норин	111,51	217,00
Поп	111,48	132,93
Уйчи	106,93	159,27
Тўрақўрғон	106,08	131,11
Наманган	101,60	155,98
Область бўйича	111,52	150,10
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
Қўнғирот	126,79	110,01
Хўжайли	125,82	186,76
Ленинобод	116,45	117,13
Шуманай	114,87	103,83
Нукус	111,27	108,23
Кегайли	111,10	103,90
Чимбой	109,12	109,99
Тахтакўпир	108,23	88,31
Тўрткўл	106,42	103,19
Беруний	105,28	101,12
Амударё	105,28	104,87
Қорақалпоғистон АССР бўйича:	110,55	109,78
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Пахтачи	121,67	149,80
Пастдарғом	114,85	132,14
Нарпай	113,91	142,87
Иштихон	113,11	168,17
Оқдарё	109,38	141,29
Хатирчи	108,51	136,29
Жомбой	107,93	138,34
Булунғур	106,67	119,21
Самарқанд	106,34	142,20
Каттақўрғон	103,54	123,58
Пайариқ	100,22	100,05
Ғаллаорол	92,44	77,72
Область бўйича:	109,53	134,57
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Фарғона	122,73	123,14
Киров	117,77	131,39
Ленинград	115,72	119,32
Узбекистон	114,73	123,02
Охунбобоев	108,33	125,93
Қува	108,19	135,55
Тошлоқ	108,15	133,38
Фрунзе	106,68	134,27
Қувасой шаҳри	105,25	99,44
Риштон	101,83	118,89
Олтиариқ	97,11	109,41
Бағдод	95,44	118,86
Область бўйича:	109,42	124,87
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
Боғот	112,63	109,57
Янгиариқ	110,49	101,41
Қўшкўпир	107,60	100,98
Гурлан	105,79	102,94
Урганч	105,55	102,83
Шовот	104,47	109,90
Хазорасп	102,57	100,31
Хива	101,67	102,83
Область бўйича:	106,62	103,54
БУХОРО ОБЛАСТИ		
Бухоро шаҳри	118,67	161,00
Вобкент	100,24	130,70
Навоий	96,43	103,68
Ромитан	95,62	95,55
Бухоро	94,02	97,51
Қизилтепа	89,09	108,92
Гиждувон	88,06	138,94
Шофиркон	86,46	88,34
Коғон	83,86	98,80
Свердлов	83,00	93,80
Қорақўл	76,83	91,28
Область бўйича:	89,37	102,04
Республика бўйича:	110,38	122,54

ҚАРДОШ ПАХТАКОРЛАР ҚУТЛОВИ

ҲОРМАНГ ЭНДИ, ҲАМКАСБЛАР

Рақамларнинг тарихда тутган ўрни, салмоғи, ўз юки бор. Маълумки, Урта Осиёда учта юксак осмонўпар тоғ мавжуд. Булар — Помир, Тянь-Шань ва Ҳисор тоғлари. Бу йил ана шу жаҳон томлари ёнида тўртинчи осмонўпар тоғ юксалди. Бу — ўзбек пахтакорлари яратган 4.900 минг тонналик «оқ олтин» тоғидир.

Ўзбек билан тожик қадим-қадимдан бир ерда яшаган, бир дарёдан сув ичган. Уларнинг фан-маданияти, урф-одати ва ҳис-туйғулари ҳам бир-бирига пайванд бўлиб кетган. Шу дўстлик илдизлари Октябрь инқилобидан кейин янада мустаҳкамланди ва ажойиб мевалар берди. Ўзаро ҳамкорлик, дўстлик, бир-бирига ҳамжиҳатлик ва меҳнат мусобақаси ана шунинг натижасидир.

Ўзбек деҳқонлари мамлакат пахтачилигини ривожлантиришда ва гектар бошига олинадиган ҳосилни оширишда ватанпарварлик намуналарини кўрсатишмоқда. Биз уларнинг бу соҳада орттирган бой тажрибаларидан манфаатдормиз. Қардошларимизнинг эришаётган меҳнат муваффақиятлари бизнинг ҳам ғалабамиз, қувончу шодлигимиздир.

Колхозимиз аъзолари бир неча йилдан бери Янгийўл районидаги уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз пахтакорлари билан мусобақалашиб келади. Бу йил ҳам шундай қилдик. Қўлимиздаги ўткир қурол — фан-техника ютуқлари, илғор тажрибалар хизматимизда бўлди. Ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, дўстлик, ўзаро ёрдам яхши самаралар берди. Гектаридан 40 центнердан ошириб пахта хирмони кўтардик. Она-Ватанга 7 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширдик.

Икки қардош республика пахтакорларининг социалистик мажбуриятларини ошириб бажаришларида қудратли техника, деҳқонларимиз маҳорати ва тажрибаси катта омил бўлди. Селекционер олимларимиз ва машинасозларимизнинг қўшган ҳиссаси ҳам бениҳоя каттадир. Ана шу ҳамкорлик ва дўстлик ҳар доим мустаҳкамланаверсин.

Бугунги «Ҳосил байрами»да азиз ҳамкасб биродарларимизни чин қалбдан муборакбод этамиз. Ҳормангэнди, ўзбекистонлик азиз ҳамкасблар!

Асқаралн МИРЗАЕВ.
Тожикистон ССР Регар районидаги Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.





ТОШКЕНТ область Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг парник-хўжаликларида сабзавот узиш бошлаб юборилди. Бу ерда ҳар куни 500 килограммдан бодринг, помидор шаҳарликларга жўнатиб турилибди. Суратда: (чапдан) М. Ҳакимова ва звено бошлиғи Й. Муҳамедов бодринг узишмоқда, Бригадир О. Ҳикматов билан Т. Султонмуродовлар гулларни парвариш қилишмоқда.

Ф. Абдурасулов фотолари.

БАЙРАМ ҚУТЛОВЛАРИ



Собир ЮНУСОВГА

Донолар даврасида суҳбат қизғинмиш бу кун,
Чеҳрада офтоб, дилда қуёш...
Дастурхон тўкин.
Елкада даст кўтариб қадрдон эл-юрт юкин
Даврада камтар Сиздек ақлн доним бор бўлсин.
Сизга иқтидор ёру омад устивор бўлсин.



Юрий Петрович ХУТОРНОЙГА

Шундай бир нав пратибсиз, инжу, гавҳар дедилар,
Чаноқларга қўнган дурни офтобу зар дедилар,
Дурларингиз ўлчанармиш тиллодан тарозуда
Хирмон-хирмон уюлганда тоғдай мармар дедилар.
Тоғлар умрин тилар эдим. Сиздайин тилла бошга,
Узингизни умри боқий элда сарвар дедилар.



Чиннихол ХУДОЕРОВАГА

Шерободнинг шамолида ороланди Чиннихол,
Сара қизлар орасида сараланди Чиннихол,
Улоқ унинг нозиккина қўлларида четди-ю
Қанча-қанча йигит қалби пораланди, Чиннихол
Не алп йигит от сурадир, дилда армон, гулу қиз
Бўш келмайсиз, ҳеч бирига етказмайсиз, сулув қиз

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯЛПИ ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган расмий дўстона визитининг якунлари жаҳон матбуотининг ҳамон асосий мавзуи бўлиб қолмоқда. Газеталар КПСС Марказий Комитети Бош секретари Деҳлида бўлган чоғида имзоланган ҳужжатларни шарҳлаб, бу ҳужжатларнинг аҳамияти Совет — Ҳиндистон муносабатлари доирасини билангина чекланиб қолмасдан, жаҳоншумул аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ёзмоқдалар. Бу ҳужжатлар ҳалқаро вазиятга шубҳасиз самарали таъсир ўтказади ва Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиб, ижтимоий тузумда турлича бўлган мамлакатлар ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг намунаси бўлади.

⊙ БЕРЛИН. «Нойес Дойчланд» газетаси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визитини «Тинчлик миссияси» деб атади. Газета редакцион мақоласида Деҳлида имзоланган ҳужжатлар СССР билан Ҳиндистон ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатлар мавжудлигидан далолат беради ҳамда тинчликни сақлаш ва инсониятнинг иқтисодий тараққиёти учун курашда ана шу мамлакатларнинг ҳамкорлигини акс эттиради, деб таъкидлайди.

⊙ БУДАПЕШТ. «Мадьяр немзет» газетаси бундай деб ёзади: Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити натижасида имзоланган битимлар Ҳиндистон билан СССР ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга ва кучайтиришга ёрдам беради. Ҳиндистон учун бу ҳамкорлик гоят катта аҳамиятга эгадир, чунки бу ҳамкорлик шу мамлакатда давлат секторини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

⊙ ВАРШАВА. «Трибуна люду» газетаси: «Тинчлик бўлинмас бўлганлиги сабабли Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити чоғида Осиёни тинчлик зонасига айлантириш тўғрисидаги таклиф бутун инсоният манфаатларига мос бўлиб тушади», — деб таъкидлайди.

⊙ БРАЗИЛИЯ. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган ҳамда дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган визити ҳар иккала давлат учунгина муҳим ва фойдали бўлиб қолмай, шу билан бирга, деб ёзади «Жорнал ду Бразил» газетаси, ялпи тинчликка эришиш йўлида ҳаракат қилаётган барча мамлакатлар учун ҳам муҳим ва фойдалидир.

⊙ ВЕНА. Австриянинг «Фольксштимме» газетаси Л. И. Брежневнинг визити — Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатлар янада кучайиб бораётганлигидан далолат беради, деб таъкидлайди. «Зальцбургер нахрихтен» газетаси Л. И. Брежневнинг Осиёни тинчлик қитъасига айлантириш зарурлиги тўғрисидаги гапи муҳим эканлигини уқтириб ўтади.

⊙ ХЕЛЬСИНКИ. Финляндияда чиқадиган «Хювдстандсбладет» газетаси бундай деб ёзади: «Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити Совет Иттифоқи бутун дунёда халқаро кескинликни юмшатиш байроқдори сифатида чиқаётганлигини яна бир бор исбот этди». «Уусн Суоми» газетаси Совет — Ҳиндистон қўшма ҳужжатлари Москва билан Деҳли ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий ва савдо муносабатлари учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради ҳамда Ҳиндистонни социалистик лагерь доирасидан ташқарида СССРнинг энг муҳим шерикларидан бирига айлантиради, деб таъкидлайди.

(ТАСС).

Исроил ҳарбийларининг ирвогарлиги

НЬЮ-ЙОРК, 4 декабрь. (ТАСС). Исроил Араб давлатларига қарши қуролли ирвогарлигини кучайтириб, Яқин Шарқдаги вазиятни тобора кескинлаштирмоқда. БМТнинг Яқин Шарқдаги фавқулодда кучларининг соқчилари ва кузатувчилари шу ҳақда хабар бердилар.

Сурия — Исроил секторидан олинган маълумотларга қараганда, Исроил қўшинлари 30 ноябрда ва 1 декабрда ўт очишни тўхтатиш линиясининг турли участкаларини бир неча марта тўплар, миномётлар ва пулемётлардан ўққа тутганлар. Исроил танклари ва артиллерияси 2 декабрда Суриянинг позицияларига қараб ўт очган.

Миср Исроил секторидан БМТ соқчиларининг хабар беришича 1 декабрда Исроил қўшинлари Исмоилиядан ғарби жанубда БМТнинг Швециядан келган қуролли кучлари турган районда Миср позициясига қарши пулемётлардан тез-тез ўт очиб турганлар. Шу куни Исроил қўшинлари Сувайшнинг шимолида Фин қисмлари жойлашган район Миср позициясига бир неча марта пулемётлардан ўқ узганлар. Исроилнинг реактив самолёти эса Миснинг ҳаво чегарасини бузиб, Сувайш устида учиб юрган.

Исроил миномётлари 30 ноябрда Ливан—Исроил секторида Ливан территориясини ўққа тутдилар, натижада моддий зарар етказилди.

Норозилик намойиши

НЬЮ-ЙОРК, 3 декабрь. (ТАСС). Мамлакатда АҚШнинг мустамлакачилик ҳукмронлиги давом этаётганлигига қарши норозилик намойишида кеча Пуэрто-Риконинг пойтахти Сан-Хуан аҳолисидан 15 мингдан кўпроқ киши қатнашди. Намойиш шаҳарлар миллий уюшмасининг ҳар йили ўтказиб турадиган конференцияси қатнашчилари бўлмиш Америка шаҳарлари мэрлари ва муниципиал кенгашларининг аъзолари Сан-Хуанга келиши муносабати билан бўлиб ўтди.

СПОРТ

ҚОЙИЛМИЗ, ЭЛЬВИРА!

Таниқли спортчимиз, маҳоратли гимнастикачи Эльвира Саади халқаро майдонда яна бир бор шуҳрат қозонди. Эльвира «Токио симбун» газетаси ва Япония гимнастика федерацияси ташаббуси билан ўтказилган халқаро учрашувда беш марта фахрий супага кўтарилди. СССР, ГДР, Венгрия, Чехословакия, Япония ва АҚШ гимнастикачилари иштирокида ўтказилган катта мусобақада Эльвиранинг ғалабаси шарафига бир неча бор олқишлар янгради. Совет Иттифоқи Давлат байроғи кўтарилиб, гимн садолари таралди.

Олимпиада, универсиада ўйинлари совриндори, Лондонда ўтказилган чемпионлар кубоги учун кураш ғолиби ва ниҳоят мамлакат биринчилигида мутлоқ чемпион номига сазовор бўлган Эльвира Саади шуҳратлари қаторига шуҳрат қўшди. У қўшқўша зарҳал медаллар тақиб, 1973 йилни олтин мавсум сифатида ўтказяпти.

Халқаро мусобақа Токиодаги «Нитидай Кодо» спорт залида ўтказилди. Саадининг ҳар бир чиқиши мухлисларни ром этди. Гимнастикачимиз кўпкураш ҳамда алоҳида машқ ўйинларида ҳам кўзда тутилган барча ҳаракатларни аъло бажарди. Жумладан, кўпкураш бўйича 38,20 балл тўпланган бўлса, унинг спорт тўсинидаги чиқишлари 9,55 балл билан баҳоланди. Эркин машқларига 9,65, брусьядаги ўйинларига 9,5 балл берилди. Саади шунингдек таянib сакраш бўйича чимкентлик дугонаси Н. Кимдан ҳамда ГДРлик И. Ханкдан ўзиб кетди.

Мусобақада мамлакатимиздан турли миллат вакиллари иштирок этдилар. Гимнастикачилар орасида РСФСР, Белоруссия, Украина, Ўзбекистон, Қозогистон ва латвияликлар бор эди. Спорт мухлислари ҳалқаро майдонда мамлакатимиз шарафини муваффақиятли ҳимоя қилган гимнастикачиларни ардоқламоқдалар. Эльвиранинг ютуқларидан хабар топганлар эса, қойилмиз, дейишмоқда.

Советлар мамлакатида

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ДУШАНБА. Бу ердаги гўшт-консерва комбинатининг коллективи йиллик топшириқни бажарди. Йил бошидан бери 52 хилда 6114 минг банка консерва тайёрланди. Бу ўтган йили тайёрланганидан 100 минг банка кўпдир.

Тожикистондаги энг йирик ҳисобланган бу корхона коллективи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида жуда яхши ишламоқда. Коллектив бу муваффақиятга ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш туфайли эришди.

Комбинат ишчилари 1974 йил учун муқобил план қабул қилдилар. Беш йилликнинг тўртинчи йилида дастлабки қабул қилинган плангдагидан 320 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга қарор қилинди. Қўшимча равишда 100 тонна колбаса маҳсулотлари ва 150 минг банка консерва тайёрланади.

ҲАМКИШЛОҚЛАРИНИ МУБОРАКБОД ҚИЛДИЛАР

ОРЖОНИКИДЗЕ. Шимолий Осетиянинг меҳнаткашлари ўзларининг дондор ҳамкишлоқлари — икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Монголия Халқ Республикасининг қаҳрамони, армия генерали И. А. Плиевни 70 ёшга тўлиши муносабати билан муборакбод этдилар. Генералнинг ватани — Шимолий Осетиянинг кўхна Батакаюрт қишлоғида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Кечада генералнинг шаънига жуда илиқ гаплар айтилди. И. А. Плиев қуролли кучлар сафида эллик йилдан ортиқ хизмат қилди. У оддий қизил аскарликдан генералликкача бўлган жанговар йўлни босиб ўтди.

Бош штаб академиясини тамомлаб чиққан И. А. Плиев урушнинг дастлабки кунидан бошлаб 50-отлиқ дивизиясини қабул қилиб урушга жўнайди. Москва остоналаридаги жангларда отлиқ жангчилар ботирлик ва қаҳрамонликнинг ажойиб намуналарини кўрсатадилар.

Шимолий Осетияда ўз ҳамкишлоқларига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром билан қарамоқдалар. Республика пойтахтида унга бронзадан ясалган бюст ўрнатилган.

УЧ ЙИЛ УРНИГА — БИР ЙИЛДА

Утган йилнинг охирида Ленинград областида қурилиб, ишга туширилган СССР 50 йиллиги номидаги мамлакатда биринчи кўпқаватли тажриба паррандачилик фабрикаси ҳозир лойиҳадаги қувватни эгаллади. Ҳозиргача фабрика етмиш миллион дона тухум етказиб берди. Уч йилга мўлжалланган план қарийб бир йил мобайнида бажарилди.

СТУДЕНТЛАР ФИЛАРМОНИЯСИ

ҚОЗОН. Бу ердаги химия-технология институтининг студентлар филармонияси янги мавсумни бошлаб берди. Бундан беш йил илгари ташкил этилган филармония шаҳар олий ўқув юртларида концертлар ташкил этмоқда, аҳоли ўртасида музика санъатини кенг пропаганда қилаётир. Шу билан бирга студентлар иккинчи мутахассисликни ҳам эгалламоқдалар. Бу йил бир группа битирувчиларга инженер-химик дипломи билан бирга музика таълимини эгаллаган деган гувоҳнома ҳам қўшиб берилди.

(ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Бахтимизни куйлаймиз. 10.45 — «ҲОСИЛ БАЙРАМИ» (Тошкент ипподромидан олиб кўрсатилади). 11.55 — МОСКВА. 18.15 — ТОШКЕНТ. 18.20 — «Юлдузча». 19.00 — Ахборот». 19.15 — Бугун — СССР Конституцияси куни. 19.30 — Бахтимиз қўшиқлари. 20.10 — «Ахборот». 20.30 — «ҲОСИЛ БАЙРАМИ». 22.00 — «Вақт». 22.30 — «ЗЕҲН». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00—МОСКВА. 11.05— Янгиликлар. 11.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.15 — Москва ва москвaликлар. 18.45 — Совет гимнастикачиларининг ғалабаси. 19.30 — Цирк чироқлари. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.40 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг 4-серияси. 22.00 — Ёшлар овози (Тошкент). 22.30 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.15 — Янгиликлар. 19.30 — Фильм-концерт. 20.20 — **Ҳукумат аъзоси** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/XII да **Золушка** (кундузи) **Рус кишилари** (кечқурун), 7/XII да **Жизель.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/XII да **Олтин девор** (кундузи), **Табассум ўғрилари** (кечқурун), 6/XII да **Парвоз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/XII да **Ўжарлар**, 6/XII да **Қонли тўй**, 7/XII да **Паранжи сирлари.**

КИНО

Қаллоб Цеплис — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Эҳтиром ташрифи — «МОСКВА» (16.00, 20.30).

Привалов миллионлари — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Сўнгги ўқ — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Угай она — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Надежда — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

1974 йил учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича СИРТҚИ ВА КУНДУЗГИ

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

қатнаб ўқишга: энтомология; қатнаб ва сиртдан ўқишга: фитопатология ва ўсимликлар ҳимояси;

сиртдан ўқишга: биохимия.

Ҳужжатлар — 20 декабргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — 2 январдан 30 январгача ўтказилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: кадрлар учёти бўйича фотосуратли шахсий варақа, таржимаий ҳоли, жамоат-ишлаб чиқариш характеристикаси, илмий ишларининг рўйхати ёки танлаган мутахассислиги бўйича реферат соғлиги тўғрисида ва маоши ҳақида справкалар.

ҲУЖЖАТЛАР: Тошкент-700017, 3-Носиров тупиги, 20-уйга юборилсин.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ РЕСПУБЛИКА «ЎЗКУЛЬТТОРГ» БАЗАСИДА (Радость кўчаси, 1-уй)

12 ДЕКАБРДАН 25 ДЕКАБРГАЧА

1974 ЙИЛДА

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги улгуржи базаларининг республикадаги Давлат чакана савдо ташкилотларига маданий-маиший ва рўзғор буюмлари, галантерея моллари сотиш, ҳамда «Ўзбекбирлашув»нинг райониарро базаларига кир ювиш воситалари ва парфюмерия-косметика моллариии сотиш бўйича

РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги.

Ўзбекистон Радиоси коллективи мухбир Т. Яйловоғга онаси

Муаззам ҚОСИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Б. 286. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 02896.